



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 6 сентябр, жума № 144 (1361)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Дўст мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам соғлик ва бахт-саодат, дўст халқингизга эса давомий фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Камоли эхтиром ила,
Муҳаммад Хусни МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим

Ўзбекистон Республикаси Президенти Муҳтарам Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум, Сиз, Жаноби Олийларини, мамлакатингиз ҳукумати ва халқини Мустақиллик куни кириб келиши муносабати билан самимий муборакбод этаман. Ишончим комилки, Эрон Ислон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларида кенгайиб бориши ҳар икки мамлакат халқларининг тинчлик-фаровонлигига хизмат қилади. Қодир Оллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг дўст халқига бахт-саодат ва фароғатли турмуш тилаб қолам.

Сайид Муҳаммад ХОТАМИЙ,
Эрон Ислон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 397-1-сонли қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 321-II-сонли қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини республикада босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. 2002-2005 йиллардаги даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келадиган тизимини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тайёрларлик чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсада мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этишни таъминлайдиган 2002-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларнинг аниқ дастури ва жадвалини 2003 йил 1 январидан бошлаб олинган даромадлар бўйича ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

(Давоми 3-бетда)

АҚШ ЭЛЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА КЕНГАШМОҚДА



Шу кунларда мамлакатимизда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Линн Паско меҳмон бўлиб турибди. Давлат департаментининг қарорига мувофиқ унинг иштирокида АҚШнинг Марказий Осиё давлатларидаги элчилари Тошкентда ўзининг йиллик кенгашини ўтказмоқда. Албатта, бу воқеа Ўзбекистоннинг ўзининг стратегик ҳамкори деб эълон қилган АҚШда мамлакатимиз билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга интилиш кучли эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

5 сентябр куни Линн Паско ҳамда АҚШнинг Марказий Осиё давлатларидаги Фавкулда ва мухтор элчи-

лари Жон Хёрбст (Ўзбекистон), Лэрри Нэппер (Қозоғистон), Жон О'Киф (Қирғизистон), Франклин Хаддл (Тожи-

кистон) ҳамда Лаура Кеннеди (Туркменистон) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қабулида

бўлди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга таширифи билан қутлар экан, АҚШ Давлат департаменти кенгаши Тошкентда ўтказиш тўғрисида тўғри қарор қабул қилганини таъкидлади. Зеро, 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейин бутун дунё нигоҳи Марказий Осиёга қаратилган. Ўзбекистон эса халқаро аксилтеррор коалиция-

сини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаган мамлакатдир. Ислон Каримов Ўзбекистонга нисбатан самимий ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлаётгани учун дипломатларга миннатдорлик билдирди ва ўзаро алоқаларда ишонч мустақамлашиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ўзбекистон АҚШ маъмурияти ва қонун

чиқарувчи органларининг мамлакатимизга иқтисодий, молиявий, техникавий ва гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича барча мавжуд имкониятларни ишга солиш борасидаги қарорларини юсак даражада қадрлашни маълум қилди.

Меҳмонлар элчилар кенгаши Тошкентда ўтаётгани гоёт муҳим аҳамиятга эга эканини, шу сабаб Ислон Каримов билан учрашиб, Марказий Осиёдаги ўзгаришлар тўғрисидаги фикрларини, Ўзбекистоннинг минтақадаги жараёнларга муносабатини яқиндан ўрганиш, шулар қаторида Ўзбекистон-АҚШ иқтисодий ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашиш имконияти туғилганини таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА).

МАТБУОТ ВА ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде «Ўзбекистон ва ҳозирги замон халқаро сиёсати» мавзусида икки кунлик амалий семинар бошланди. Унда халқаро ва ижтимоий-сиёсий мавзуларни ёритувчи журналистлар ҳамда мутахассислар иштирок этмоқда. Анжуманда оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз ташқи сиёсати, дунёда ўз бераётган халқаро воқеаларни тўғри, таҳлилий, тезкор ва холисона ёритиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этиляпти.

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкоралиқни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг оқиллигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилиш - жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш бора-борасидаги энг муҳим устувор йўналиш эканини алоҳида таъкидлади.


Дарҳақиқат, бу масалалар бизнинг бугунги ҳаётимиз ва келажакимиз билан бевоқифа боғлиқ. Жамиятнинг барча соҳаларида демократлаштириш, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай юсак мақсадларга эришиш учун юртимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур қарорлар ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

БУНИ САДОҚАТ ДЕЙДИЛАР

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

СУВДА ЧЎКМАЙДИГАН, ЎТДА ЁНМАЙДИГАН ХАЗИНА



Дилбар Акрамовага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилгани ҳақидаги хушхабар бир зумда бутун Наманганга ёйилди. Унинг кўлида таълим олганлар, ундан хунар ўрганганлар, яхшиликдан, инсоний фазилатларидан баҳраманд бўлганлар, кўйинги, барчанинг қалби фахр туйғусига тўлди. Уни ёшлигидан биланган. Ушан-

звор бўлган. Тошкент Тўқимачилик ва ёнгил саноат институтини ҳам «Малика» трикотаж фабрикасида ишлаб юриб битказди.

Ишлаб чиқаришда ортирган таърибасини институтда ўқиш жараёнида назарий жиҳатдан мустақамлаган Д.Акрамова дипломини кўлга олиб қадрдон шахрига қайтди. Дастлаб Наманган тўқимачилик техникумида би- унинг зарур шарт-шароит яратиш тўғрисида кам йўлаймиз, — деганди у куйиниб. — Ахир улар автобусма-автобус ша- харга етиб келишгунча қанча пул кетади, вақт ўтади. Демак, биринчи галда уларнинг мушкул- ини осон қилиш учун автоуловлар ташкил этишимиз керак.

Дилбар Акрамованинг таклифи билан вилоят- да биринчи бўлиб мана шу корхонада узокдан қатнайдиغان ишчи-хиз- матчиларни транспортда келтириш ташкил қилин- ди.

Ташаббускор, ўз иши- нинг фидойис бўлган Д.Акрамова қаерда иш- ламасин, ҳаммаша эллар- варлиги билан тилга тушган, меҳнаткашлар хурмат-эътиборига са-

да етмишинчи йиллар бошлари эди. Наманган шаҳридаги Маданият саройида Тошкентдан ташриф буюрган юқори мартабали меҳмон иштирокида катта анжуман ўтказилди. Йиғилишда шойи ва қос- тымбоп газламалар комбинати ёш- лар етакчиси Дилбар Акрамованинг айтган сўзлари ҳечам эсдан чи- қмайди.

назар ташлайдиган бўлсангиз, ҳаммаша халқ гамида юрганлигининг, инсонлар учун қайғурган- лигининг гувоҳи бўласиз. Чунончи, мус- тақиллигимизнинг илк босқичида айрим гала- мислар Наманганда ҳам бош кўтарганлигини яхши биламиз. Ушанда Дилбар Акрамова турмуш ўртоғи Абдуллажон Жўраев би- лан улар йўлини тўсиб чиққанлигини, халққа ни- яти бузуқ кимсаларнинг ёвуз масканларини дадил айтиб берганлигини на- манган вилояти бўлими бошқаруви раиси.

— Бўлимиз зимма- сига масъулиятли вази-

Халқимиз ўзининг сабру матонатини, донишмандлиги бағрикенглиги, меҳнат- севашилик фазилати ва бунёдкорлик қуд- ратини, белгиланган мақсад сари авва- ло ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда қатъият билан боришга қодир эканини бутун дунёга намойён қилди.

(Республика Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси хужжатларидан)

фалар юкланган, — дей- ди Дилбар Акрамова. — Биз ҳукуватимиз, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар ва ташки- лотлар томонидан фуқароларнинг муҳтож қатла- мига, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ажратилаётган моддий ёрдамнинг ўз эгаларига тўла-тўқис етиб бориши- га эришимиз ва бунинг назорат қилиб бориши- миз зарур.

Ҳа, эл-юрт манфаати йўлида тўқилган манглай тери шундай бир дури гавҳарки, у сувда чўкмай- ди, ўтда ёнмайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида» 2002 йил 16 апрелдаги ПФ-3052-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси негиз- зида мусиқа санъатини ривожлантириш, сифат жиҳа- тидан янги мусиқий таълим тизимини яратиш, «қокори малакали санъат қадрлари тайёрлашни такомиллаш- тириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа маркази этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Респуб- ликаси Маданият ишлари ва- зирлиги:

кўп асрилик мусиқий ме- росимизни, миллий ва жаҳон мусиқа санъати тараққиёти- ни, миллий мусиқа асбобла-

рининг тарихини ўрганиш мақсадида бир ой муддат- да Давлат консерватория- си таркибиде интросолаш- тирилган Илмий-тадқиқот маркази ва Мусиқа музейи ташкил этсин;

Ўзбекистон Республика- си Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Фан ва технологиялар маркази би- лан биргаликда икки ҳафта муддатда Илмий-тадқиқот маркази ва Мусиқа музейи низомларини ишлаб чиқ- син ва тасдиқласин;

(Давоми 2-бетда)

ТАДБИРКОР ШИФЕР ИШЛАБ ЧИҚАРДИ

Янгибозор тумани ҳокими қабулига «Бўзқа- ла» қишлоғлик олим, техника фанлари ном- зоди Жобберган Отажонов кирди:

— Маҳаллий хом ашё- дан қурилиш учун шифер ва чорвага омухта ем ишлаб чиқарадиган мини завод қурмоқчиман. Ло- йихалар тайёр, тегишли ташкилотлардан рухсат- нома ҳам бор, деди у.

Миллион сўм кредит аж- ратилди. Энг асосийси тадбиркор завод учун асбоб-ускуналарни со- тиб олмади. Балки те- мир-терсақлардан ўзи ясаб, шифер ишлаб чи- қарадиган цехни тўрт ойда ишга туширди ва 15 нафар ишчи иш би- лан таъминланди.

Мини заводда респуб- ликамиз Мустақиллиги- нинг 11 йиллиги нишон- Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

